

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАҲМУДОВ МУҲАММАДИСМОИЛ МУХИТДИНОВИЧ**

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ-ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
geographical sciences**

**Махмудов Муҳаммадисмоил Мухитдинович**

Андижон вилоятида туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий географик  
хусусиятлари.....3

**Махмудов Муҳаммадисмоил Мухитдинович**

Экономико-географические особенности развития туризма в Андижанской  
области.....21

**Maxmudov Muxammadismoil Muxitdinovich**

Economic and geographical features of tourism development in Andijan  
region.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАҲМУДОВ МУҲАММАДИСМОИЛ МУХИТДИНОВИЧ**

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ-ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Gr142 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч (ўзбек, рус, инглиз) тилларда Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (nuu.uz.) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Эгамбердиев Фармонкул Турсункулович иктисод фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Маматкулов Абдурашид Вахидович иктисод фанлари доктори, профессор  Ибраимова Азиза Алимбаевна география фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Dsc.03/30.12.2019.Gr.01.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» январь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (99824) 246-53-21; 246-02-24 E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 41 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2021 йил «4» январда тарқатилди.  
(2021 йил «4» январдаги 27-рақамли реестр баённомаси)



**Н.И.Сабитова**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

**Ш.М.Шарипов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доцент

**З.Н.Тожиева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, г.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутунжаҳон туристик ташкилоти (UNWTO)нинг маълумотларига кўра, туризм дунё товарлари ва хизматлари экспортида тўртинчи ўринни эгалаб, жаҳон иқтисодий ривожланишининг ҳозирги шароитида етакчи ва жадал ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Ушбу ташкилотнинг ҳисоботида “сайёҳликнинг экотуризм, тоғ чанғи туризми, экстремал, зиёрат, гастрономик туризм каби турларини изчил ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор бериш”<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифалар, аҳоли зичлиги юқори, ўзига хос қишлоқ хўжалиги маданияти ва миллий ҳунармандчилик анъаналарига эга, хилма хил туристик ресурсларга бой бўлган ҳудудларда комплекс турдаги маршрутларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳудудий ташкил этишга қаратилган тадқиқотларни олиб боришни тақозо этмоқда.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, айниқса, сўнгги йилларда ҳудудларнинг туристик имкониятларини аниқлаш, унинг турларини диверсикация қилиш, янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ва ривожлантиришга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, туристик салоҳияти юқори бўлган сайёҳлик зоналарида туристик-рекреацион кластерларни яратиш, ҳудудлар туристик имкониятларини баҳолаш, сайёҳлик хизмат турларини кўпайтириш ва ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш ҳамда махсус дастурларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда туризм соҳасини ривожлантириш, ҳудудларда туристик ва унга йўлдош инфратузилмани кенгайтириш, туристик маҳсулотларни диверсификация қилиш ва янги туризм объектларини яратиш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда ва сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида 1-илова “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”да мамлакатда туризмни ривожлантиришга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, аҳоли зичлиги юқори, қишлоқ хўжалиги, саноат ва миллий ҳунармандчилик ривожланган Андижон вилоятида туризмни ривожлантиришга асос бўлувчи табиий, ижтимоий-иқтисодий омиллар ва объектларни аниқлаш, ҳудуд туристик салоҳиятини баҳолаш ва туризмни мавсумийлик хусусиятларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон “Ўзбекистон Республикасида туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича кўшимча ташкилий

---

<sup>1</sup><https://www.e-unwto.org/doi/pdf/>. UNWTO Annual report. 2017

чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистонда туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сон “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Туризм соҳасининг назарий масалалари, унинг барқарор ривожланиши ҳамда ҳудудий хусусиятлари хорижлик ва республикамиздаги географ ва иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Хорижий олимлардан Дуглас Г.Пирс, Ризард Винарский, Эндрю Холден, Джулио Арамберри, Ричард Батлер каби олимлар асарларида кўриб чиқилган. Шунингдек, МДХ мамлакатларининг И.В.Зорин, В.С.Боголюбов, В.П.Орловская, А.Дурович, Н.И.Кабушкин, В.А.Квартальнов, В.С.Сенин, Т.Т.Христов, А.Д.Чудновский, В.Г.Федцов, М.Б.Биржаков каби олимларнинг илмий ишларида туризм соҳасини ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган.

Мамлакатимизнинг Қ.Х.Абдурахмонов, М.Р.Болтабоев, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, Ғ.Ҳ.Қудратов, Н.Тухлиев, Т.Абдуллаева, А.С.Солиев, М.Р.Усмонов, М.М.Мухамедов, Д.К.Усмонова, М.Ҳошимов, А.Норчаев, Б.Х.Тўраев, Б.Ш.Сафаров, А.Н.Нигматов, М.Т.Алиева, Ш.Р.Файзиева, Т.В.Ким каби иқтисодчи ва географ олимлар ўз илмий тадқиқотларида туризм соҳасини янада такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиққанлар. Шунингдек, О.Х.Ҳамидов, Н.Ибрагимов, С.Рўзиев, Б.Бердиёров, Н.Т.Шамуратова, Б.Камолов, Ш.Якубжонова, М.Мансуров, Ш.Шомуродова каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилояти ва Фарғона водийси кесимида туризмнинг иқтисодиётга таъсири, экотуризм, агротуризм масалалари анча кенг ёритилган.

Юқорида келтирилган илмий ишлар таҳлили асосида шуни таъкидлаш зарурки, Андижон вилоятида туризмни ривожлантиришнинг ҳудудий хусусиятлари етарлича ўрганилмаганлиги мазкур тадқиқот иши мавзусининг танланишига асос бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация мавзуси Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бўлиб, Ф-1-101 “Глобаллашув

шароитида минтақалар иқтисодиёти рақобатбардошлиги ўсишига методологик ёндашувлар” (2018-2020йй.) фундаментал илмий тадқиқот гранти лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Андижон вилоятида туристик объектлардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ва баҳолаш асосида вилоят туризмни ривожлантириш ҳамда ҳудудий ташкил этиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

туризмни ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш;

мамлакат туристик салоҳиятини аниқлаш ва унда Андижон вилоятининг ўрнини белгилаш;

Андижон вилоятида туризмнинг ривожланиши ҳамда туристик соҳа ривожига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

вилоят туризмнинг таркиби ва ҳудудий ташкил қилинишини тадқиқ этиш;

Андижон вилоятида туризмни ривожлантиришнинг SWOT таҳлилин ишлаб чиқиш, уни ривожлантиришнинг кучли, заиф томонлари, имкониятлари ва таҳдидлари аниқланган ҳамда улардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб бериш;

Андижон вилоятида ички туризмнинг ривожланишини 2020-2021 йиллардаги қисқа муддатли прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқиш;

Андижон вилоятида туризмни янада ривожлантириш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш кабилардан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** Андижон вилоятининг туристик ресурслари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Андижон вилоятида туризмни ривожлантиришга асос бўлувчи омиллар ва объектларни аниқлаш, улардан фойдаланиш имкониятини баҳолаш ҳамда туризмни ҳудудий ташкил этишни асослаш масалалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотида ҳудудий таҳлил, картографик, географик таққослаш, гуруҳлаштириш, экспедиция, эксперт, қиёсий ва статистик таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш, типологик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Андижон вилояти ҳудуди туризмга таъсир этувчи табиий (рельефи, табиат ёдгорликлари, ноёб ландшафтлар) ва иқтисодий-ижтимоий географик (географик ўрни, ихтисослашув, транспорт тўри, туристик инфратузилма) омилларни аниқлаш асосида туристик районларга ажратилган;

Ўзбекистон ҳудудидаги туристик объектлар ва ресурслар акс эттирилган туркум карталар (“Ўзбекистонда ички туризм географияси картаси”, “Ўзбекистонда сафар мақсадлари бўйича ички туризм картаси”, “Андижон вилояти туристик районлаштириш картаси” ва “Андижон вилояти туристик картаси”) ГАТ технологиясининг ArcGIS дастурида яратилган;

вилоят миқёсида комплекс (эко, агро, бизнес, зиёрат, тарихий, археологик, экстремал, рекреация, гастрономик, саноат) турдаги янги туристик маршрутлар ва уларнинг туроператорлар учун намунавий дастурлари ишлаб чиқилган;

вилоят текислик, тоғ ва тоғ олди ҳудудларининг биоиклимий комфорт даражаси (нисбий комфорт, комфорт, иссиқ, ўта иссиқ) туризм нуқтаи назаридан баҳоланган ҳамда туризм турларини диверсификациялаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари туристик салоҳиятини баҳолаш ҳамда Андижон вилояти ички туристик кўрсаткичларини прогнозлаш моделининг дастури ишлаб чиқилган;

Андижон вилоятида туризм турларини диверсификация қилиш йўл харитаси ва янги туристик маршрутларнинг намунавий дастурлари яратилган;

Республика ва Андижон вилоятида ички туризмни ривожлантириш ва саёҳатларни ташкил қилишни тавсифловчи туркум карталар яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Андижон вилояти статистика бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Андижон вилояти бошқармаси, Маданий мерос департаменти Андижон вилояти бошқармаси, “Хунарманд” уюшмаси Андижон вилояти бошқармаси маълумотларидан, шунингдек, муаллифнинг тадқиқот доирасидаги шахсий кузатишлари ва изланишлари хулосаларидан фойдаланилгани билан изоҳланади. Шунингдек, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган мавзули карталар, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти вилоят туристик шароитлари (текислик, тоғ ва тоғ олди ҳудудлари)нинг биоиклимий комфорт даражаси бўйича баҳолангани ҳамда табиий, ижтимоий ва иқтисодий омиллардан оқилона фойдаланган ҳолда вилоятда туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий географик асослари очиқ берилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Андижон вилояти туристик имкониятларини аниқлаш, районларга ажратиш, янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, туристлар оқимини ушбу объектларга жалб қилишга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Андижон вилоятида туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий географик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Андижон вилояти туманлари туристик ресурсларининг ўхшаш жиҳатлари эътиборга олиниб ажратилган туристик районлар ва улардаги объектлар ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни



ривожлантириш давлат қўмитаси амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 29 октябрдаги 02-16/5043-сон маълумотномаси). Натижада Андижон вилоятидаги туристик районларнинг ихтисослашувини аниқлаш ва шу асосда ҳудудлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятини берган;

Ўзбекистон Республикаси ва Андижон вилоятининг ички туризм тасвирланган “Ўзбекистонда ички туризм географияси картаси”, “Ўзбекистонда сафар мақсадлари бўйича ички туризм картаси”, “Андижон вилояти туристик районлаштириш картаси” ва “Андижон вилояти туристик картаси” Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 29 октябрдаги 02-16/5043-сон маълумотномаси). Натижада республикамиз ҳудудларида ички туризмни турли йўналишларда ва мавсумий ташкил этишга хизмат қилган;

Андижон вилояти ва Фарғона водийси бўйлаб саёҳатларни комплекс равишда олиб бориш бўйича ишлаб чиқилган маршрутлар ҳамда намунавий дастурлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 29 октябрдаги 02-16/5043-сон маълумотномаси). Натижада, амалга ошириладиган саёҳатларда туризмнинг эко, агро, бизнес, малакавий иш, зиёрат, тарихий, археологик, экстремал, рекреация, гастрономик каби турларидан унумли фойдаланиш имконини берган;

Андижон вилояти туристик шароитларининг биоиклимий комфортлик жиҳатидан баҳолаш асосида туризм турларини диверсификация қилиш ҳамда туроператорлар фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Андижон вилояти туризмни ривожлантириш бошқармаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 29 октябрдаги 02-16/5043-сон маълумотномаси). Натижада вилоятда Хонобод, Имомота, Мингтепа, Шаҳрихон, Улуғнор каби текислик (чўл), тоғ ва тоғ олди ҳудудларда меҳмон уйлари, кафе ва ресторанлар, меҳмонхоналар, оилавий дам олиш масканларини қуриш, янги йўналишдаги маршрутлар бўйича саёҳатларни олиб бориш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий нуфузли журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Туризм иқтисодиёти ва унинг ҳудудий хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсадики, ҳудудлар туризмни ривожлантиришда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга оид илмий-назарий ёндашувларнинг аҳамияти, мамлакатимиз туристик салоҳиятини тадқиқ қилишда хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш, ҳудудларнинг биоиклимий шароитларини тадқиқ қилиш, улардан туристик салоҳиятни оширишда фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган. Шунингдек, олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ҳудудларда туризмнинг замонавий турлари ва хизматларга ихтисослашувини чуқурлаштириш, сайёҳлар оқимини вақт ва макондаги ҳаракати тадрижийлигини таҳлил қилиниши батафсил ёритилган.

Диссертация ишида ишлаб чиқаришни жойлаштиришга оид классик ғояларга асосланган ҳолда туризмни ривожлантиришда сайёҳлик объектлари ва **“туристик марказлар”** атрофида инфратузилма объектларини жойлаштириш, уларга ёндош бўлган периферияларда ҳам туристик хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш масалалари таҳлил қилинди ҳамда уларнинг мазмун моҳияти очиқ берилди (1-расм).




1-расм. “Туристик марказлар” ва объектлар атрофида инфратузилма шаклларини жойлаштириш ҳалқаси

Худудий меҳнат тақсимоотида ҳар бир минтақанинг муайян маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган имижи (юзи, қиёфаси) бўлгани каби худудлар ҳам ўзининг табиий, тарихий-маданий ресурсларидан келиб чиққан ҳолда туризмнинг маълум бир турларига ихтисослашади. Ўз навбатида ихтисослашган худудлардаги туристик объектлар атрофида хизмат кўрсатиш соҳалари, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳаллий халқнинг урф-одатлари ва қадриятлари соҳага мос ҳолда шаклланади. Зеро, Саноат пункти→Саноат маркази→Саноат тугуни, Саноат агломерацияси ёки ХИЧМларида бўлгани каби, худудий туристик мажмуаларни ҳам поғонасимон, иерархия шаклида ривожлантириш кўпроқ самара беради. Демак, туризмни мажмуали кўринишда худудий ташкил этиш уни бошқариш ва ривожлантириш ҳамда туристик маршрутларни тузишда аҳамиятлидир.

Маълумки, инсон организми ташқи муҳит, хусусан, об-ҳаво шароитларининг таъсирига юқори сезгирликка эга. Бу ҳолда сайёҳнинг физиологик ҳолатига об-ҳаво шароитларининг таъсирини инобатга олиш талаб этилади. Худудларнинг биоиклимий комфорт туристик шароитларини баҳолаш Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожланишини таъминлашга кўмак беради. Комфорт туристик зоналарни аниқлаш мамлакатдаги туристик “*Ўсти қутблари*”ни очишда муҳим аҳамият касб этади. Сайёҳлик минтақаларида туристик мавсумнинг давомийлигини ўрганиб чиқиш имкони яратилади.

Андижон вилояти биоиклимий шароитларининг худудий ва вақт бўйича тақсимланиш хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази тасарруфида вилоят худудида фаолият кўрсатаётган Андижон, Қўрғонтепа, Бўстон ва Улуғнор метеорологик станцияларида 2015-2019 йиллар даврида ҳаво ва шудринг нуқтаси ҳароратларининг кундузги муддатли (маҳаллий вақт билан соат 08.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00) кузатиш маълумотлари қаторларини статистик қайта ишлаш асосида аниқланди (2-расм).



**2-расм. Андижон (а), Қўрғонтепа (б), Бўстон (в) ва Улуғнор (г) метеорологик станцияларида иссиқлик ҳиссиёти шароитларининг йил ичидаги такрорланувчанлиги, 08.00**

*1 - ўта совуқ, 2 - совуқ, 3 - комфорт, 4 - нисбий комфорт, 5- иссиқ, 6 - ўта иссиқ*

Биоиклимий шароитларни баҳолаш учун табиий муҳитда инсоннинг иссиқликни ҳис қилишини ифодаловчи ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффиценти (K)дан фойдаланилди:

$$K = \frac{T - t_d}{T} = \frac{\Delta}{T}$$

бу ерда:  $T$  – ҳаво ҳарорати (Кельвинларда);  $t_d$  – шудринг нуқтаси ҳарорати;  $\Delta$  – шудринг нуқтаси ҳарорати дефицити.

Андижон шаҳри ва унинг атрофидаги Андижон, Асака, Шаҳрихон, Избоскан, Олтинкўл туманлар учун туристик комфорт давр асосан март ойининг иккинчи ярмидан бошланади. Аҳолини иқтисодиётда бандлигидан келиб чиқиб “нисбий комфорт” давр бу ҳудудларда тарихий маданий туризмни ривожлантириш учун энг қулай мавсум ҳисобланади (3-расм).

январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
		“пик” даври									
		“юқори” даври									
		“ўрта” даври									
		“суст” даври									
		“ўлик” даври									

3-расм. Тарихий маданий туризмнинг мавсумийлиги (Андижон 11.00).


Таҳлил натижалари туризм соҳасида муқобил бўлган туризм турлари (рекреация, тоғ туризми, тиббиёт, гастрономик туризм) ва вилоятда туристик мавсум қизғин бўлмаган “ўлик мавсум”да ҳам сайёҳлар оқимини тўғри йўналтиришга хизмат қилади. Маълумки туризмнинг ҳар бири тури ўзининг мавсумийлик хусусиятига эга. Туристлар оқимининг “пик” даври, “юқори” даври, “ўрта” даври, “суст” даври ва “ўлик” даврлари мавжуд. Шунга мос ҳолда ҳудудларда туризм турлари ва хизматлар бозорини тартибга солишни (бошқаришни эмас) маҳаллий ҳокимият органлари тегишли мутахассислар билан амалга оширади (назорат қилади).

Диссертациянинг “Андижон вилоятида туризмни ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати ва имкониятлари” деб номланган иккинчи бобида вилоят туризмни ривожлантиришда табиий, ижтимоий-иқтисодий омилларнинг аҳамияти аниқланиб, ҳудуд туристик салоҳиятининг ўзига хослиги ва ривожланиш хусусиятлари ўрганилди. Шунингдек, ушбу бобда Андижон вилоятида туристик хизматлар бозори таҳлил қилиниб, уларни кенгайтириш йўллари очиб берилди.

Ўзбекистон улкан тарихий-маданий меросга эга бўлиб, уларнинг жами сони 8208 тани ташкил қилади. Мазкур туристик объектларнинг 4778 таси археологик, 2246 таси архитектура, 688 таси монументал ва 502 таси диққатга сазовор жойлар ҳисобланади. Айтиш пайтда бу ёдгорликларнинг

500 дан ортиқроқ қисми туристик маршрутлар дастурига киритилган. Жорий йилда уларнинг сонини 800 тага, 2025 йилгача 2,5 мингтага етказиш режалаштирилган.

Андижон вилояти туризм хизматлари бозори асосан ички истеъмолчилар ҳисобидан тўлдирилади. Вилоятнинг перифериядалиги туристик объектларнинг тарқоқ жойлашуви, қадимий меъморий обидалари тўлиқ сақланиб қолмаганлиги минтақанинг заиф томонлари бўлса, аҳоли сонининг кўп ва зич эканлиги кучли жиҳатлари ҳисобланади. Вилоятда 2015 йил 140 000 сайёҳ рўйхатга олинган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 300 000 кишини ташкил этди. Ички туризм ўтган йилга нисбатан 57 фоизга ортган (4-расм).



4-расм. Андижон вилоятига 2015-2019 йилларда ташриф буюрган туристлар ҳақида маълумот (минг киши)

Юқоридаги графикнинг таҳлили шуни кўрсатадики, хорижий туристларнинг Андижон вилоятига 2015 йилдаги ташрифи 14 000 киши бўлган бўлса, таҳлил қилинаётган йилда уларнинг сони 25000 нафарга етиб, 2018 йилга нисбатан 74 фоизга ўсган.

Диссертациянинг **“Андижон вилоятида туризмни ривожлантиришнинг истиқболлари”** деб номланган учинчи бобида Вилоятда туристик маршрутларни ташкил этиш истиқболлари ва уларнинг географик хусусиятлари тадқиқ этилган. Шунингдек, ҳудудлар туристик салоҳиятини баҳолаш ва Андижон вилоятининг имкониятлари атрофлича ёритилган. Боб якунида вилоятда ички туризм ривожланишининг прогноз кўрсаткичлари республика ҳудудлари бўйича келтирилган.

Ушбу бобда вилоят туманларининг рельефи, географик ўрни, ўзаро яқинлиги, туристик маршрутларни тузишда транспорт йўллари

қулайлиги, аҳолиси сони, ихтисослашуви ва туристик ресурсларнинг ўхшаш жиҳатларини эътиборга олган ҳолда туристик районларга ажратилди ва картага туширилди.

Шу кунга қадар олиб борилган тадқиқотларда Булоқбоши тумани Жанубий подрайонга, Шаҳрихон тумани Шимоли-ғарбий кичик районга киритилган. Бу тадқиқотларда вилоятнинг табиий географик хусусиятларига эътибор қаратилган. Агар агломерация доирасида олиб қаралса Асака, Шаҳрихон ва Марҳаматни Андижонга йўлдош шаҳарлар, иқтисодий нуқтаи назардан қаралса Асака ва Шаҳрихонни саноат марказлари сифатида Андижон билан бир районга жойлаштириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, вилоятни туристик мақсадларда районлаштиришда туманларнинг рельефи, географик ўрни, ўзаро яқинлиги, туристик маршрутларни тузишда транспорт йўллари ва қулайлиги, аҳоли сони, ихтисослашуви ва туристик ресурсларнинг ўхшаш жиҳатларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Шунини инобатга олган ҳолда Андижон вилоятини туристик районлаштириш харитаси 1:570000 масштабда яратилди (5-расм).



5-расм. Андижон вилояти туристик районлаштириш харитаси

Шунингдек, мазкур бобда юқорида қайд этилган туманларни туристик гуруҳларга ажратиш, соҳага оид тушунчалар, туристик маҳсулотларни турлари ва жойлашуви, туристик маршрутни ташкил этиш ва олиб бориш қоидаларига мувофиқ Андижон вилояти бўйича қуйидаги сайёҳлик

йўналишлари ишлаб чиқилди.


1. *Андижон ш.-Андижон-Олтинқўл-Андижон ш.*
2. *Андижон ш.-Асака-Марҳамат-Шаҳрихон-Андижон ш.*
3. *Андижон ш.-Балиқчи-Улугнор-Бўстон-Шаҳрихон-Андижон ш.*
4. *Андижон ш.-Андижон шаҳарчаси-Булоқбоши-Хўжаобод-Жалақудуқ-Қўргонтепа-Хонобод-Андижон ш.*
5. *Андижон ш.-Избоскан-Пахтаобод-Андижон-Андижон ш.*

Бу маршрутларнинг барчаси трасса тузилишига кўра, ҳалқали йўналишлар ҳисобланади. *Ҳалқали марирут* бу – “... бошланиши ва охириги бир географик пунктда жойлашган, маршрутда бир неча пунктларда тўхташ мўлжалланган ҳаракат йўналиши” дир.

**Б**Андижон шаҳри → **1-ОП** → **2-ОП** → **3-ОП** → **4-ОП** → **О**Андижон шаҳри

Шу билан билан бирга вилоят ҳудуди умумий ягона географик макон сифатида 7 та энг салоҳиятли туманларни ўз ичига олган “Олтин ҳалқа” аралаш маршрути ҳам ишлаб чиқилди. Маршрут таркибига археологик, архитектура, зиёрат, рекреация, экотуристтик, агротуристтик, ҳунармандчилик ва этнографик объектлар киритилган.

6. *Андижон ш.-Шаҳрихон-Асака-Марҳамат-Булоқбоши-Хўжаобод-Жалақудуқ-Хонобод-Андижон ш.*



Юқоридаги маршрут трасса тузилишига кўра ўзида чизикли, ҳалқали ва радиал маршрутларни муайян тарзда мужассамлаштирган ҳаракат йўналиши сифатида - *аралаш* маршрутлар туркумига киритилади.

Якка тартибдаги, гуруҳ кўринишидаги ички туризм ёки хорижлик меҳмонлар учун “Водий бўйлаб саёҳат” бренди остида қуйидаги қизиқарли, жозибадор ва бетакрор туристик маршрутларни таклиф қилиш мумкин.

7. *Андижон-Асака-Шаҳрихон-Марғилон-Фарғона-Риштон-Қўқон-Чуст-Наманган-Чортоқ-Андижон.*

8. *Андижон-Марҳамат-Асака-Шаҳрихон-Қува-Марғилон-Фарғона-Олтиариқ-Риштон-Қўқон-Андижон.*


9. *Андижон-Наманган-Тўрақўрғон-Чуст-Янгиқўрғон-Чортоқ-Андижон.*

Юқорида танлаб олинган бу шаҳарлар маълум бир муддат ичида кўп миқдордаги туристларга хизмат кўрсатиш салоҳиятига эга.

Мавжуд статистик маълумот асосида республикамиздаги барча ўн тўртта ҳудудий бирликларнинг туристик салоҳиятини баҳоланди ва ўзаро таққосаш учун ўргимчак тўри кўринишидаги диаграммага шаклида ифодаланди.

Баҳолаш натижалари шуни кўрстадики, Андижон вилоятининг республика туристик салоҳиятида туган ўрни 7-ўринда эканлиги аниқланди. Вилоят салоҳияти юқори баҳоланиб, табиий, ижтимоий, иқтисодий ва демографик омилларга нисбатан таққосланса салоҳиятдан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги аниқланди (6-расм).

Таҳлилларнинг кўрсатишича, Андижон вилоятининг туризмга ихтисослашувида ички туризм устувор ҳисобланади. Андижон вилоятининг периферияда жойлашганлиги, йирик тарихий туристик марказлардан узоқдалиги аҳолини асосан минтақа ичида ва Фарғона водийси бўйлаб саёҳат қилишларига сабаб бўлади. Шунингдек, ҳудуд ичида амалга ошириладиган қисқа муддатли сафарлар сонининг юқорилиги вилоятнинг табиий шароити, иқлими, тоғ, дарё ва сой бўйларидаги дам олиш масканларининг кўплиги билан ҳам боғлиқдир. Ички туризмда аҳолининг фаоллиги ва туристлар оқимининг юқорилиги бўйича Андижон вилояти республикамизнинг бошқа вилоятларига нисбатан етакчи эканлиги аниқланди.



**6-расм. Республика ҳудудларининг таққослама туристик салоҳияти**  
 1-Қорақалпоғистон Р, 2-Андижон, 3-Бухоро, 4-Жиззах, 5-Қашқадарё, 6-Навоий,  
 7-Наманган, 8-Самарқанд, 9-Сурхондарё, 10-Сирдарё, 11-Тошкент в, 12-Фарғона,  
 13-Хоразм, 14-Тошкент шаҳри.

Ҳудудлар туристик салоҳиятидан келиб чиқиб ўрганилаётган вилоятга яқин ва узоқ истикболда ташриф буюрувчи туристлар сонини аниқлаш зарур. Ушбу прогноз қилинган кўрсаткичлар асосида соҳани ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари белгиланади (1-жадвал).



**2020-2021 йиллар учун Андижон вилояти ички туризм  
кўрсаткичларининг прогнозлари (мингта)**

№	Кўрсаткич номи	2020 йил	2021 йил
1.	Худуд ичида амалга оширилган сафарлар сони	18456,7	19555,7
2.	Таътил, бўш вақт ва дам олиш мақсадидаги сафарлар сони	7393,9	7603,5
3.	Даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари мақсадидаги сафарлар сони	3251	3519,4

Таътил, бўш вақт ва дам олиш мақсадидаги сафарлар сони ҳам 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 64,9 тага, 2021 йилда эса 274,5 тага ортиши ҳисоблаб чиқилди. 2018 йилдаги статистик маълумотларга кўра, республика бўйича таътил, бўш вақт ва дам олиш мақсадидаги уюштирилган сафарлар Андижон вилояти бўйича 6836,8 мингтани ташкил қилган. Бу рақамлар республика кўрсаткичининг (31294,2) 21,8 фоизини ташкил этади. Мамлакатимизда туризм саноати ривожланган Бухоро вилоятининг бу борадаги кўрсаткичлари Андижон вилоятидан 9,1 марта, Самарқанд вилояти 4,5 марта, Хоразм вилояти 3.0 марта, Тошкент шаҳри эса 1,6 мартага кам эканлигини таъкидлаш мумкин. Сафар мақсадларига кўра олинган ҳисоблаш натижаларига асосланиб, Андижон вилоятида аҳоли зичлигининг юқорилиги, хилма-хил рельеф шакллари, дам олиш масканларининг кўплиги каби қатор табиий, ижтимоий-иқтисодий омиллар вилоятда ички туризмни ривожлантиришда кўпроқ самара бериши тадқиқ қилинди.

Шу билан бирга, даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари мақсадидаги сафарлар сони ҳам вилоятда йилдан-йилга ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Ҳисоблаш натижаларига кўра, прогноз қилинаётган 2020 йилда бу мақсаддаги сафарлар сони 2019 йилга нисбатан 277,9 тага кўп бўлиши кутилмоқда. 2021 йилда эса бу рақамлар 546,3 тага ортиши прогноз қилинди. Даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари мақсадидаги сафарлар сони бўйича ҳам Андижон вилояти республикада етакчилик қилади 2019 йилда ушбу мақсадларда аҳоли томонидан 2973,1 минг марта сафарлар уюштирилган. Бу рақам республика кўрсаткичларини (16066)18,5 фоизини ташкил этган. 2018 йилдаги статистик маълумотларга кўра даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари мақсадидаги сафарлар сони бўйича Андижон вилояти аҳолиси (2773,4) республикада энг юқори кўрсаткичларни қайд этган. Кейинги ўринларни Қашқадарё (1980,4), Наманган (1681,2), Самарқанд (1579,4) ва Фарғона (1532,3) вилоятлари эгаллайди.

Бугунги кунда республика бўйича шифохоналар сони жами 1165 тани ташкил қилиб, шундан 144 таси Тошкент шаҳрида бўлса, 139 таси Андижон вилоятида жойлашган. Ушбу муассасалардаги ўрин (койка)лар сони 14526 тани ташкил қилади. Йил давомида 627127 киши мазкур тиббиёт

муассасаларида даволаниб чиққан. Шунингдек, вилоятда 102 та кичик корхоналар ва микрофирмалар тиббиёт соҳасида фаолият олиб боради. Ушбу муассасалардаги ўринлар сони 4032 та бўлиб, йил давомида 68 120 та беморларга хизмат қилган. Туманлар кесимида тиббиёт муассасалари географияси ўрганилса, Андижон шаҳрида 49 та, Шаҳрихонда 13 та, Асакада 12 та, Избоскан туманида 11 та шифохоналар жойлашганлигини кузатиш мумкин. Юқоридаги маълумотлар ва прогноз натижаларига кўра, Андижон вилоятида рекреация ва тиббиёт туризмни янада ривожлантириш вилоят иқтисодиёти учун катта самара бериши таҳлил қилинди.

Ушбу прогнозлаштирилган кўрсаткичлар фақатгина даврий қаторлар ёрдамида ишлаб чиқилган бўлиб бошқа таъсир этувчи омиллар ҳисоблаш ишларига киритилмаган.

## ХУЛОСА

1. Туркия, Болгария, Миср каби ривожланаётган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда туризмни ташкил этишни ваколатли давлат бошқарув органлари орқали давлат-хусусий шерикчилик механизмлари асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Россиянинг “Олтин халқа” тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда Фарғона водийси шаҳарларида бу тажрибани ривожлантириш ижобий натижа беради. Хитой ва Япония мамлакатлари тажрибасидаги “Олтин ҳафта” ёки “Арзон нархлар” деб номланган имтиёзли таътил кунларини Ўзбекистонда ҳам кенг жорий қилиниши ички туризмни жадал ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

2. Мамлакатимизда туристик салоҳияти бўйича Тошкент шаҳри мутлоқ устунлик қилмоқда. Иккинчи ўринда турувчи Самарқанд вилояти кўрсаткичлари Тошкент шаҳридан 2,6 баробар кам эканлиги аниқланди. Андижон вилоятининг мавжуд (фойдаланилаётган) туристик салоҳияти Тошкент шаҳридан 7,2 баробар, Самарқанд вилояти салоҳиятидан қарийб 2,8 баробар камлиги, Сирдарё вилояти салоҳиятига нисбатан 4,1 баробар, Наманган вилоятига нисбатан 1,5 баробар юқорилиги, Республика ҳудудлари орасида 7 ўринда эканлиги аниқланди.

3. Андижон вилоятида маданий мерос объектлари Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларида бўлгани каби бир жойда комплекс эмас, балки майдони кичик бўлишига қарамасдан 422 та объект тарқоқ ҳолда жойлашганлиги аниқланди. Андижон вилоятида табиий, ижтимоий-иқтисодий омиллардан комплекс фойдаланиш орқали 6 та аралаш турдаги сайёҳлик маршрутлари такомиллаштирилди. Хизмат кўрсатиш соҳалари билан туризмнинг алоқадорлиги жуда суст даражадалиги, вилоят иқтисодиётида сайёҳлик соҳасининг улуши сезилмаслиги, улар ўртасида ўзаро алоқадорликни кучайтириш зарур.

4. Хонобод шаҳри, Жалақудуқ, Хўжаобод (Имом ота, Манак, Карнайчи, Дилкушод, Ордай, Тош ота), Булоқбоши (Ширмонбулоқ), Марҳамат ва Пахтаобод (Маданият) каби экотуризм ва рекреация ресурсларига бой

туманларда тадбиркорлик субъектлари ва давлат-хусусий шерикчилиги асосида катта, ўрта ва кичик ҳажмдаги (меҳмонхона, меҳмон уйлари, кемпинг, мотеллар, санаториялар, дам олиш уйлари, болалар оромгоҳлари, кафе ва ресторанлар, санитария-гигиена шахобчалари, савдо ва транспорт хизматлари) объектларни барпо этиш мақсадга мувофиқ.

5. Диссертация тадқиқоти натижасида вилоятни туристик районларга ажратиш асосида комплекс туристик маҳсулотни яратиш учун табиий, маданий-тарихий, саноат, бизнес, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишга мўлжалланган аралаш (комплекс) турдаги туризмни ривожлантиришнинг намунавий дастури ишлаб чиқилди.

6. Андижон вилоятида маърифий туризмни ривожлантириш мақсадида вилоятда яшаб ўтган шоир ва адиблар, спорт усталари, санъат арбоблари ва диний уламоларнинг уй музейларини барпо этиш ва мавзули саёҳат маршрутларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

7. Туризм хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган SWOT-таҳлил натижаларида истеъмолчи, туроператорлар фаолияти, меҳмонхона хўжалиги, миллий ҳунармандчилик, туризмни молиялаштириш ва кадрлар етишмаслиги каби масалаларни бартараф қилиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатилди.

8. 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ҳудуд ичида амалга оширилган сафарлар сони 6 фоизга, бу кўрсаткичлар 2021 йилда эса 12 фоизга ўсиши ҳисоблаш натижаларига кўра прогноз қилинди. Таътил, бўш вақт ва дам олиш мақсадидаги сафарлар сони ҳам 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 64,9 тага, 2021 йилда эса 274,5 тага ортиши ҳисоблаб чиқилди.

Ҳисоблаш натижаларига кўра, прогноз қилинаётган 2020 йилда даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари мақсадидаги сафарлар сони 2019 йилга нисбатан 277,9 тага кўп бўлиши кутилмоқда. 2021 йилда эса бу рақамлар 546,3 тага ортиши прогноз қилинди. Андижон вилоятида аҳоли зичлигининг юқорилиги, хилма хил релеф шакллари, дам олиш масканларининг кўплиги каби қатор табиий, ижтимоий-иқтисодий омиллар минтақада ички туризмни ривожлантиришда кўпроқ самара беради. Юқоридаги прогноз натижаларига кўра Андижон вилоятида рекреация ва тиббиёт туризмини янада ривожлантириш вилоят иқтисодиёти учун катта самара беради.

9. Андижон ва Шаҳрихон шаҳарларида “ҳунармандчилик марказлари” ни ташкил қилиниши аҳоли бандлигини таъминлаш билан бир қаторда туризм учун сувенир маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишга имконият яратади.

Хонобод шаҳридаги “Бекобод”, Қўрғонтепа туманидаги “Кесканёр”, Хўжаобод туманидаги (Дўстлик) ва Пахтаобод туманидаги “Маданият” чегара ўтказиш пунктларини туристик мақсадларда очиш Қирғизистон Республикасидан ташриф буюрувчи сайёҳлар сонини ортишига ва халқаро туризмни ривожланишига сабаб бўлади.

Андижон шаҳридан 25 км масофа узоқликда жойлашган “Отчопар” сувомборини экология, ирригация ва мелиорация, санитария-гигиена талабаларига мос келишини ўрганган ҳолда шаҳар аҳолиси учун очиқ сув ҳавзаси сифатида дам олиш масканига айлантириш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03 / 30.12.2019.Gr.01.06  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**МАХМУДОВ МУХАММАДИСМОИЛ МУХИТДИНОВИЧ**

**ЭКОНОМИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ  
ТУРИЗМА В АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ**

**11.00.02 - Экономическая и социальная география**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2021**

Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2020.4. PhD/Gr142.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекский, русский, английский) на сайте Ученого совета (nuu.uz.) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Эгамбердиев Фармонкул Турсункулович  
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Маматкулов Абдурашид Вахидович  
доктор экономических наук, профессор

Ибраимова Азиза Алимбаевна  
кандидат географических наук, доцент

Ведущая организация:

Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится «15» января 2021 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета Dsc.03/30.12.2019.Gr.01:06 при Национальном университете Узбекистана. Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел: (+99871) 227-12-24, факс: (99824) 246-53-21; 246-02-24 E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Национальный университет Узбекистана, факультет Географии и природных ресурсов.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован под № 41). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел: (+99871) 246-67-71.

Автореферат диссертации разослан « 4 » января 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № 27 от « 4 » января 2021 года).



**Н. И. Сабитова**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.г.н., профессор.

**Ш. М. Шарипов**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
к.г.н., доцент.

**З. Н. Тожиева**  
Председатель научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.г.н., профессор.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** По данным Всемирной туристической организации (ЮНВТО), туризм занимает четвертое место в структуре мирового экспорта товаров и услуг и является одним из ведущих и наиболее быстрорастущих секторов в текущем контексте глобального экономического развития. В отчете этой организации поставлены задачи «обратить особое внимание на последовательное развитие таких видов туризма, как экотуризм, горнолыжный, экстремальный, паломнический, гастрономический туризм»<sup>1</sup>. Эти задачи требуют разработки сложных типов маршрутов и исследования их территориальной организации в районах с высокой плотностью населения, уникальной земледельческой культурой и национальными ремесленными традициями, богатыми разнообразными туристическими ресурсами.

В мире, особенно в последние годы, приоритетное внимание уделяется исследованиям в этой области, в частности, выявлению туристского потенциала регионов, диверсификации его видов, разработке и развитию новых туристских маршрутов. Вместе с тем, важными задачами считаются создание туристско-рекреационных кластеров в туристских зонах с высоким потенциалом, оценка туристского потенциала регионов, увеличение спектра туристических услуг и совершенствование их территориальной организации, а также разработка специальных программ.

В нашей республике проводится ряд реформ и достигнуты значительные положительные результаты по развитию индустрии туризма, расширению туристской и сопутствующей инфраструктуры в регионах, диверсификации туристского продукта и созданию новых туристских объектов. В Приложении 1 к Указу Президента Республики Узбекистан № ПФ-5611 от 5 января 2019 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике Узбекистан» - «Концепции развития туризма на 2019-2025 годы» определены важные задачи по развитию туризма в стране. В связи с этим актуальными являются научные исследования, направленные на выявление природных, социально-экономических факторов и объектов, служащих основой развития туризма в Андижанской области, которая отличается высокой плотностью населения, развитым сельским хозяйством, промышленностью и народными ремесленничеством, оценку туристского потенциала этого региона и особенностей сезонности туризма.

Диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-5326 «О дополнительных организационных мерах по созданию благоприятных условий для развития туристического потенциала в Республике Узбекистан» от 3 февраля 2018 года, № УП-5611 «О дополнительных организационных мерах по ускорению развития туризма в Узбекистане» от 5 января 2019 года, Постановлениям Президента

---

<sup>1</sup> <https://www.e-unwto.org/doi/pdf/>. UNWTO Annual report. 2017

Республики Узбекистан № ПП-3509 «О мерах по развитию въездного туризма» от 6 февраля 2018 г., № ПП-3514 «О мерах по обеспечению ускоренного развития внутреннего туризма» от 7 февраля 2018 г., а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. “Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики”.

**Степень изученности проблемы.** Теоретические вопросы туризма, его устойчивого развития и региональных особенностей изучались зарубежными и отечественными географами и экономистами. Иностранные ученые, такие как Дуглас Г.Пирс, Ризард Винарски, Эндрю Холден, Хулио Арамберри, Ричард Батлер, рассматривали эти вопросы в своих работах. Кроме того, вопросы развития туризма изучены в трудах таких учёных стран СНГ, как И.В.Зорин, В.С.Боголюбов, В.П.Орловская, А.Дурович, Н.И.Кабушкин, В.А.Квартальнов, В.С.Сенин, Т.Т.Христов, А.Д.Чудновский, В.Г.Федцов, М.Б.Биржаков.

